
ОРАМИЗДАГИ ИҚТИДОРЛАР

28-болалар мусиқа ва санъат мактабида ҳисобот концерти бўлиб ўтди.
Байрамга туман ҳокимлиги вакиллари, ўқувчиларнинг ота-оналари ва кенг жамоатчилик вакиллари ташриф буюрдилар.

Дастур давомида туман, вилоят, республика ва халқаро танловларда қатнашиб, ютуқларга эришган ўқувчилар ўзларининг маҳоратларини иштирокчиларга яна бир бор намоён этдилар. Айниқса, мактабнинг доирачилар ансамбли, республика кўрик-танловининг “Энг ёш мақомчи” номинацияси соҳиби, 4-синф ўқувчиси Муҳаммадзиё Абдубаннопов, фортепиано бўлими битирувчиси Моҳичеҳра Жўраева, скрипка мутахассислигига 5-синф ўқувчиси Мубина Абдураззақова, республикада ўтказилган “Биз баҳтли бўламиз”, деб номланган халқаро кўрик-танловнинг ғолиби Иброҳимжон Султоналиев, Муслима Жамолова ва бир қанча ўқувчиларнинг чиқишларини мухлислар гулдурос қарсаклар билан кутиб олиб, ижроларидан маза қилиб маданий ҳордик олдилар.

Бу ютуқларга эришишда устозларнинг роли катта. Ўқувчиларга таълим-тарбия бериб, шу даражага эришишларида мусиқа ва санъат мактаби директори А.Абдугофуров, ўқитувчилар А.Абдугофуров, Н.Аҳмедова, Ҳ. Собиров, Г.Акбарова, Г.Усмонова, Г.Тешабоева, Д.Исмоилова, М.Зокирова, Ҳ.Ҳакимова, М.Ўринов сингари устозларни эътироф этса арзиди.

- Бундай тадбирни ўтказишимиздан мақсад йил давомида қилинган ишлар, эришилган ютуқларни кенг жамоатчилик ва ўқувчиларнинг ота-оналарига ҳавола этишдан иборатdir, - дейди мусиқа назарияси бўлими бошлиғи Диљшода Мадумарова. – Мактабимизда иқтидорли ўқувчилар кўпчиликни ташкил қиласиди. Ўқувчи ва ўқитувчиларга яратилган шароитлар яхши даражада. Тадбир сўнггида иқтидорли ўқувчи ва ўқитувчиларга Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилиги, мактаб маъмуриятининг сертификат, ташаккурнома ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Иқтидорларнинг чиқишлариридан барча бирдек мароқли маданий дам олди. Тадбирдан кўзланган мақсадга эришилди.

Раҳматилло ШОДМОНОВ.

2023-05-29 17:22:59